



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛАЁТГАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини кенг жорий этиш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, республикамизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшиб келатгани, ўзининг ташаббускорлиги, билим ва тажрибасини яққол намоён этиб, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида алоҳида ибрат ва намуна кўрсатаётгани, шунингдек, жамиятда ўзаро қўмақ, саховат ва меҳр-оқибатни кучайтиришга қаратилган эзгу ишлардаги фаол иштироки учун қўйилган мукофотлансин:

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдуллаев Баходир Тожимирзаевич — Чуст туманидаги “Tai Chang Special Steel” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти
Мухитдинов Батир Абдулхамитович — Яшнобод туманидаги “Bakan Tex” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри
Нуритдинов Пахритдин Джамалович — Қўбрай туманидаги “Agro-Light Business” гулчилик хўжалиги раҳбари, Тошкент вилояти
Тўйчиев Каримжон Зикриёевич — Сирдарё туманидаги шахший томоғқа ер эгаси, Сирдарё вилояти
Усмонов Ботир Сувонович — Жондор туманидаги “Яккатут кластери” масъулияти чекланган жамияти раиси, Бухоро вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Бабаева Холисхон Назиржоновна — Жиззах шаҳридаги “Al-Abbos silk” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти
Бобокулова Нодира Норбоевна — Бойсун туманидаги “Камери Азиз” уй-меҳмонхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

Бўлдиева Шоира Раджабовна — Бухоро шаҳридаги “Ruxshana Tekst” хусусий корхонаси директори, Бухоро вилояти
Бурханов Рустамбек Равшанбек ўғли — Хўжабод туманидаги “Fazo Group” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти
Джуманиязов Муминбай Аминович — Тўрткул туманидаги “Мустафа фарм” масъулияти чекланган жамиятининг шприц заводи директори, Қорақалпоғистон Республикаси
Паттерсон Уильям Даниел — Пахтакор туманидаги “Silverleaf” қўшма корхонаси бош директори, Жиззах вилояти
Разаклов Музаффар Махаматович — Қўштела туманидаги “Fergana Global Textile” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти
Рахимов Мухтарджон Нигматович — Қуйи Чирчиқ туманидаги “Куёнчилик ва наслчилик агро комплекс” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти
Солиева Зухра Адхамовна — Тошлоқ тумани тадбиркорликка қўмаклашиш маркази раҳбари, Фарғона вилояти
Хамраев Бахтиёр Джаббарович — Навоий шаҳридаги “Gidro Stanko Servis” масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти
Эргашев Нурбек Хайдарович — Қарши шаҳридаги “Sulton Tex Group” хусусий корхонаси директори, Қашқадарё вилояти

“Шухрат” медали билан

Азизов Насим Нематович — Янги Наманган туманидаги “MerryMed farm” масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари, Наманган вилояти
Арифджанов Ботир Зукурович — “Astrum IT” академияси таъсисчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 20 август

Ахмадджонов Шокиржон Носиржон ўғли — Риштон туманидаги “Ахмадджонов Шокиржон Носиржон ўғли” кулолчилик корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти
Ботиров Фарходжон Машраббоевич — Фарғона вилояти “Agro Imprex Valley” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси
Джалилов Улмас Василжанович — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи
Икрамов Рустам Алиевич — Жиззах шаҳридаги “Бону шириликлари” масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти
Искандаров Йўлдош Отаевич — Хива туманидаги “Йўлдош Мажид” фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти
Каримов Равшан Муродович — Булунгур туманидаги “Metin Group Imprex” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти
Қаролов Санжар Исмоилович — Қарши туманидаги “Қарши агрокластер” масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси, Қашқадарё вилояти
Ниёзов Абдулқосим Алишерович — Қўмқўрғон туманидаги “Ниёзов Абдулқосим” хусусий корхонаси бошлиғи, Сурхондарё вилояти
Хакимов Ёдгоржон Турғунбоевич — Шахрихон туманидаги “And-Chin Invest” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти
Шакиров Алишер Рустамович — Юқори Чирчиқ туманидаги “Texenergoremash” оилвий корхонаси директори, Тошкент вилояти
Шарипов Исмоил Зарипович — Қизилтепа туманидаги “Golden mevasabzavot klaster” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Навоий вилояти

Ш. МИРЗИЁЕВ

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА



ТУРИЗМ — МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ

Сайёҳлар оқимини кўпайтириш эса соҳада хизмат қилаётган ҳар бир ходимнинг масъулияти, ижро интизомига боғлиқ

Биз инсон манфаати улуғланган, ҳар томонлама ривожланган Янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Олимлар, иқтисодий таҳлилчилар туризм мамлакат тараққиётининг драйвери — муҳим ҳаракатлантирувчи кучи эканини таъкидламоқда.

Ҳақиқатан, Франция, Испания, АҚШ, Хитой, Италия, Мексика, Буюк Британия, Туркия, Германия, Таиланд, Швейцария каби мамлакатларда ҳаёт фаровонлиги даражасининг ошиши сайёҳларнинг қўлиги, туризм инфратузилмаси ривожлангани билан бевосита боғлиқ.

Туризм хизмат кўрсатиш соҳасини рағбатлантиради ҳамда шу орқали аэропортлар, вокзаллар, умуман, транспорт тизими, меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, хостеллар, умумий овқатланиш, савдо, хунармандчилик, маданият ва санъат соҳалари ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимизда туризмини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда туризм соҳасидаги қонун ҳужжатларини ўз мuddатида ҳамда сифатли ижро этиш муҳим аҳамиятга эга.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллигига



Ҳаким Йўлдошев оған суратлар.

ЖИЗЗАХ: БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КўЛАМИ

ЯНГИЧА ТАШАББУСЛАР АСОСИДА КЕНГАЙМОҚДА

Жиззах вилояти юртимизнинг энг мафтункор ҳудудларидан саналади. Табиати ўзига хос: бир томони қир ва адирлардан иборат бўлса, яна бир тарафи тоғлиқлар, бошқа томони эса кенг чўллардан иборат. Шарқираган дарёлар, шилдираб оққан сой сувлари, қўлу даштликлар — барча-барчаси кишида ўзгача таассурот уйғотиш баробарида, ўзига чорлайди ҳам. Бундай манзаралар тарихий манбаларда ҳам келтирилади.

Марказий Осиёдан ўтган деярли барча қаровон йўлларининг туташган нуқтасида жойлашган

Жиззах тарихда жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Бу кўҳна шаҳар ҳамма замонларда ҳам стратегик жиҳатдан ўта муҳим аҳамият касб этган. Темурийлар даврида Жиззахда иқтисодий ва маданий ҳаёт бирмунча жонланиб, шаҳарда хунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари ривожланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида ҳам Жиззах ҳақида тўхталиб, “...Тонгдин бурунроқ Халилия кентига келиб туштук, Халилиядан Дизак келинди. ...Семиз этлар ва майда этмаклар арзон, чучук қовунлар ва

яхши узумлар фаровон. ...Умруларнинг гувоҳи бўлган. Бу кўҳна шаҳар ҳамма замонларда ҳам арзонлиг қадрини мунча билмайдур эдук... Уч-тўрт кун Дизакда истироҳат қилдук. Андин сўнг Уратепа сари азимат қилдук...” деган жумлаларни келтиради. Бу кўҳна тарихнинг биз билган, эшитган, ўқиган бир варагининг бир парчасидан келтирилган ихчамгина жумлалар, холос. Бинобарин, Жиззахнинг бетақорр табиати, боғу рўғлари, тоғу қирлари, сувлари кимларни ўзига мафтун этмаган, чорламаган, дейсиз.

Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ТРЕНДГА АЙЛАНГАН СОҲА

Ахборот технологиялари дунё миқёсида трендга айланган соҳалар орасида етакчилардан саналади. Бугун ҳеч бир соҳа йўқки, IT технологиялари татбиқ этилмаган бўлсин. Турмушимизда оғиримизни енгил қилаётган техника ва технологияларнинг барчаси, аввало, ахборот технологиялари соҳасида олиб борилган илмий изланишлар маҳсулидир. Дунёга машҳур брендлар бугун ахборот технологиялари экспортидан катта фойда кўради. Жаҳонда ITнинг ўсиш суръатлари йилга 10 фоизни ташкил этиб, бу йил жами 4 триллион 300 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Давоми 5-бетда



ОЧИҚ МУЛОҚОТ ОЛДИДАН

ФАОЛ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

Тадбиркорлар — иқтисодиётнинг таянч кучи. Соҳа вакиллари қўллаб-қувватланиб, меҳнати қадрланган жойда ривожланиш бўлади. Мамлакатимизда бугунги кунда кўлга киритилаётган муваффақиятлар замирида айнан шу омилар мужассам десак, муболага эмас. Зотан, кейинги йилларда мазкур соҳага қаратилаётган эътибор янада кучайди.

Тадбиркорликка доир қабул қилинган ҳужжатлар сони ҳам, уларда белгиланган вазифалар сифати ҳам ошди. Тадбиркорларни қўйлаётган масалаларни шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзи назоратга олди. Ўтган йили Президентимиз тадбиркорлар билан бевосита учрашиб, очик мулоқот ўтказган сана — 20 август мамлакатимизда Тадбиркорлар кўни сифатида расман белгилангани бунинг яққол тасдиғидир.

Бу йилги тадбирга ҳам жиддий тайёргарлик кўрилди. Бунинг учун, аввало, уларнинг муурожаатларини қабул қилиб, таҳлил қилувчи, тегишли вазирлик ва идораларга йўналтирувчи махсус штаб ташкил этилди. Шу тариқа давлат идоралари ва тадбиркорлар ўртасида ўзаро мулоқот майдони яратилди. Қўтарилган муаммо ва масалаларни ҳал этиш, таклиф ҳамда ташаббусларни оммалаштириш имконияти яратилди. Бу, албатта, тадбиркорлар фаолиятида асқатади.

Қайд этиш жоизки, кўни кеча Президентимиз қарори билан “Фаол тадбиркор” кўкрак нишон таъсис этилгани ва соҳа вакилларининг бир гуруҳи ушбу нишон билан тақдирлангани тадбиркорларга муҳим учрашув олдида яна бир туҳфа бўлди. Кеча пойтахтимизда кўкрак нишонларини ўз эгаларига топириш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида тадбиркорлиқни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига қўтарилганидан далолат беради.

Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ТУРИЗМ — МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ

САЙЁҲЛАР ОҚИМИНИ КЎПАЙТИРИШ ЭСА СОҲАДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ҲАР БИР ХОДИМНИНГ МАСЪУЛИЯТИ, ИЖРО ИНТИЗОМИГА БОҒЛИҚ

Ботир ШАҲРИЁРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
туризм ва маданий мерос
вазирининг ўринбосари

 Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида туризм ривожига қаратилган бир қатор чора-тадбирлар қатъий белгилаб берилди.

Президент ҳузурида 2022 йил 26 апрель куни туризмни янада ривожлантириш, ички туризм бозорини кенгайтириш, туризм объектларини кўпайтириш ҳамда музейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Жумладан, **“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!”** дастури доирасида 2022 йил маҳаллий сайёҳлар сонини 10 миллиондан ошириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди. Ҳўш, сайёҳлик соҳаси мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий-маданий ҳаёти, аҳоли турмуши фаровонлиги учун шунчалик муҳим аҳамиятга эга экан, **Туризм ва маданий мерос вазирлиги юқоридаги вазифаларни қанчалик масъулият билан бажармоқда? Шу йилнинг ўтган даври мобайнида қандай натижаларга эришилди? Нима камчиликларга йўл қўйилди?**

Кўзланган манзилга йўл вазифаларни аниқ бажаришдан бошланади

Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда **“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!”** дастури доирасида республика бўйлаб қорхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган ходимлар ҳамда маҳаллалардаги аҳолининг саёҳатларини ташкил этиш бўйича режа-график жадваллари ишлаб чиқилди. **2022 йилнинг биринчи ярмида** мамлакатимиз бўйлаб **4,5 миллиондан ортиқ** аҳолининг саёҳатларини ташкил этиш режа қилинган эди. Амалда ушбу курсаткич **5 миллион 12 мингга етказилди**, яъни белгиланган режа **110 фоиз** бажарилди.

Бундан ташқари, қуйдаги муҳим жараёнлар ҳам амалга оширилди:

Биринчидан, аҳолини, маҳаллий сайёҳларни юртимиз тарихи, бой маданий мероси, тарихий қадимжолар, сўлим табиатнинг жозибадорлиги билан таништириш, аҳоли кенг қатламининг тизимли саёҳатларини уюштириш мақсадида республикадаги сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликда **“Маҳалла”, “Ёшлар”, “Нуронийлар”, “Хотин-қизлар”, “Оилавий саёҳатлар”** ва **“Меҳнат”** жамоаларининг мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлари ташкил этилди;

Иккинчидан, аҳолини саёҳатга жалб этиш борасида турли даражадаги туризм тадбирлари ташкил этилмоқда. Улар орасида туризм ярмаркаларини ўтказишга алоҳида эътибор қaratилади. Чунки туризм тарғиботида, аяббатта, объектларни халқимизга янада яхшироқ танитиш муҳим роль ўйнайди. Шу боис, жорий йилнинг 25 февраль куни Бухоро вилоятида, 30 май куни Самарқанд вилоятида, 5 июль куни Фарғона вилоятида, 8 июль куни Сурхондарё вилоятида **Ўзбекистон Республикасининг ички ва зиярат туризми ярмаркалари ташкил этилди**.

Республиканинг барча ҳудудларидан туроператор ва хунармандлар иштирок этган мазкур ярмаркаларда мамлакат миқёсида **119 та зиярат объектлари намойиш этилди**.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ОЛДИДАН

 Бошланиши 1-бетда

Ўтган йили давлат раҳбарининг илк бор тадбиркорлар билан очиқ мулоқот шаклида учрашув ўтказгани бунинг яққол тасдиғидир. Ҳотан, ўша учрашувда Президентимиз бу шаклдаги тадбирни ҳар йили ўтказишни тақкиф қилган эди.

Ўтган йили мулоқот доирасида тадбиркорлардан келиб тушган савол ва тақлифлар асосида 70 дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу йилги очиқ мулоқот 22 августда ўтказилади. Мазкур тадбирга тайёргарлик қириш жараёнида ташкил этилган республика штабига жами 12 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлиб, улар, асосан, бизнесни молиялашти-



Бутунжаҳон туризм ташкилоти эътирофига қўра, Ўзбекистон **туризм соҳаси энг тез ривожланаётган 20** мамлакат ичида **4-ўринга** чиқди ҳамда **“Жаҳон мусулмон сайёҳлари индекси”** рейтингига **32-ўриндан 22-ўринга** кўтарилиб, **“энг жозибадор”** ҳамда **“хавфсизлик ва бағрикенглик даражаси юқори”** бўлган **10** мамлакат қаторига кирди.

Шунингдек, Американинг **“Time”** журнали Ўзбекистонни 2022 йилнинг дунёдаги энг улуғвор **50 та маскани** қаторига киритган бўлса, **“The Guardian”** (Англия) нашри дам олиш учун **“Энг яхши йуналиш”** сифатида белгиллади.

Қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — муваффақиятлар калити

Ислохотларни халқимиз ўз ҳаётида ҳис этиши, унинг аҳоли турмуш тарзига таъсири намоён бўлишида ижро интизومي энг муҳим омил саналади.

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда



давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва 2021 йил 31 майдаги “ijgo.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб, ҳудудий бўлинмаларда **технологик занжир** тарзида олиб борилаётган ишларни ўрганиш жараёнида **камчиликларга йўл қўйган ҳудуд раҳбарлари ва масъулларига нисбатан ҳам “ҳайфсан”** интизомий жазо чораси эълон қилинди.

2 нафар ходимга **“ҳайфсан”** интизомий жазо чораси қўлланилди.

Бундан ташқари, 2022 йил II чорагида Президентимизнинг “ijgo.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб, ҳудудий бўлинмаларда **технологик занжир** тарзида олиб борилаётган ишларни ўрганиш жараёнида **камчиликларга йўл қўйган ҳудуд раҳбарлари ва масъулларига нисбатан ҳам “ҳайфсан”** интизомий жазо чораси эълон қилинди.

Яна бир эътиборли жиҳати, бу йил тадбиркорлар томонидан соҳани ривожлантириш бўйича ўтган йилга нис-

батан сезиларли даражада кўп тақлифлар билдирилган ва улар тегишли вазирлик билдирилган ва улар тегишли олимлар томонидан чуқур ўрганилмоқда. Уларнинг натижалари бўйича амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

“Фаол тадбиркор” кўкрак нишони мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик ортидан одамларни иш билан таъминлаб, уларнинг ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилаётган, қисқа қилиб айтганда, бошқаларга ўрнак бўлаётган тадбиркорларга берилади.

Маросимда ана шундай ишбилармонларга “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони топширилди.

— Йигирма уч йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман, — дейди Каттақўрғон туманидаги “Кумуш тола” хусусий қорхонаси раҳбари Мариям Ниязова. — Лекин кейинги бир неча йиллардаги эътибор

қилаётган, қисқа қилиб айтганда, бошқаларга ўрнак бўлаётган тадбиркорларга берилади.

Маросимда ана шундай ишбилармонларга “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони топширилди.

— Йигирма уч йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман, — дейди Каттақўрғон туманидаги “Кумуш тола” хусусий қорхонаси раҳбари Мариям Ниязова. — Лекин кейинги бир неча йиллардаги эътибор

қилаётган, қисқа қилиб айтганда, бошқаларга ўрнак бўлаётган тадбиркорларга берилади.

Маросимда ана шундай ишбилармонларга “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони топширилди.

— Йигирма уч йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман, — дейди Каттақўрғон туманидаги “Кумуш тола” хусусий қорхонаси раҳбари Мариям Ниязова. — Лекин кейинги бир неча йиллардаги эътибор

қилаётган, қисқа қилиб айтганда, бошқаларга ўрнак бўлаётган тадбиркорларга берилади.

Маросимда ана шундай ишбилармонларга “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони топширилди.

— Йигирма уч йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман, — дейди Каттақўрғон туманидаги “Кумуш тола” хусусий қорхонаси раҳбари Мариям Ниязова. — Лекин кейинги бир неча йиллардаги эътибор

қилаётган, қисқа қилиб айтганда, бошқаларга ўрнак бўлаётган тадбиркорларга берилади.

Маросимда ана шундай ишбилармонларга “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони топширилди.

— Йигирма уч йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман, — дейди Каттақўрғон туманидаги “Кумуш тола” хусусий қорхонаси раҳбари Мариям Ниязова. — Лекин кейинги бир неча йиллардаги эътибор

Жорий йилнинг олти ойида юртимизда жами **2 минг 71** хонадан иборат **61** меҳмонхона фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, **122** хостел ишга туширилди. Шу тариқа жойлаштириш воситалари **1 минг 579** тага, улардаги ўринлар сони **80 минг 286** тага етди.

Оилавий меҳмон уйлари очишга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, жами **2 минг 31** сайёҳга мўлжалланган **223** оилавий меҳмон уйи ташкил этилди. Натيجида, оилавий меҳмон уйлари **2 минг 667** тага, улардаги ўринлар сони **22 минг 920** тага етди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугун сайёҳлар оилавий меҳмон уйларига ҳам катта қизиқиш билдиришмоқда. Шу билан бирга, оилавий меҳмон уйлари-ни очиш, айнакиса, қишлоқ жойларда аҳолининг иш билан банд бўлиши ва оилавий даромадини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ички туризм қамрови кенгайиб боргани сари сайёҳларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ҳам талаб ортиб бориши табиий. Ана шу омилни ҳисобга олиб, сайёҳлар учун хизмат кўрсатувчи **121 та** янги туристик ташкилот фаолияти йўлга қўйилди ва улар сони **1 минг 604** тага етди.

Бугун сайёҳларни керакли ахборот билан ўз вақтида таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунини инобатга олган ҳолда, жорий йилнинг олти ойида **10 та** туризм ахборот маркази ташкил этилди. Энди жами **132 та** ахборот маркази сайёҳлар учун хизмат кўрсатади.

Юртимизда ички туризмни ривожлантиришда аҳолига кўпроқ моддий томондан енгиллик бериш ва бу орқали уларнинг республика бўйлаб саёҳатга чиқиш имкониятини кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2022 йил 8 июнда тасдиқланган “Ҳиндистон билан шериклигининг устувор йўналишлари бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлики тизимли равишда давом эттириш бўйича “йўл харитаси” ижроси доирасида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида сайёҳлар алмашинуви учун **12 та** ҳудудда **14 та** истиқболли турпакет ишлаб чиқилди.

Янги йил, Наврўз, Рамазон ва Қурбон ҳайити байрамлари муносабати билан аҳолининг дам олиш кунларини мароқли ташкил этиш ҳамда ички туризмга жалб қилиш мақсадида ҳаво транспор-



ти, темир йўл, автобус чипталари ва зияратгоҳларга қиришда **50 фоизгача** чегирмалар жорий қилинди.

Президентимизнинг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб, ҳудудий бўлинмаларда **технологик занжир** тарзида олиб борилаётган ишларни ўрганиш жараёнида **камчиликларга йўл қўйган ҳудуд раҳбарлари ва масъулларига нисбатан ҳам “ҳайфсан”** интизомий жазо чораси эълон қилинди.

Жудаяқинда, бугун иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушининг кўпайиб боришига, яратилган

ташкил қилишда тадбиркорларни жалб қилиш чораларини қўриш назарда тутилган.

2022 йил май ойида юртимизда ушбу сайёҳлик турини ривожлантириш мақсадида ҳудудларда ўрганишлар олиб борилди ва **13 та** ҳудудда истиқболли **58 та** сафар туризми маскани рўйхати шакллантирилди.

Ички туризмни ривожлантириш борасида хориж тажрибаси ўрганилмоқда. Хусусан, юртимиздаги сиҳаттоҳлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Чехиянинг Карлови Вари, Марин Лазни, Словакиянинг Пиештян, Озарбайжоннинг Нафталан каби санаторий-курорт шаҳарларида туристларга хизмат кўрсатишининг янгича стандартлари, энг сўнгги замонавий технологиялар ва бошқа омилларни ўрганиш борасида тажриба оширилди. Айни пайтда ушбу тажрибани юртимизда оммалаштириш, сайёҳларга тақлиф қилинадиган хизматлар сифатини ошириш борасида амалий ишлар олиб боришмоқда.

Хорижий сайёҳлар 3 миллиондан ошад

Хорижлик сайёҳлар мамлакатлардаги ўзига хос воқеалар, табиат ҳодисаларига қизиқади. Юртимизда ўтказилаётган халқаро фестиваллар хорижлик сайёҳларни жалб қилишининг ўзига хос йўлларида биридри.

2022 йил 25-30 апрель кунлари Хива шаҳрида **“Лазги” халқаро фестивали**, 6-8 май кунлари Мўйноқ туманида **“Стихия” электрон мусика, санъат ва илм-фан фестивали**, 7-8 май кунлари Сурхондарё вилоятида **“Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали**, 21-25 май кунлари Бухоро шаҳрида халқаро **“Зардушлик ва заргарлик” фестивали**, 22 май — 5 июнь кунлари Наманган шаҳрида **Халқаро гуллар фестивали** бўлиб ўтди.

Хорижлик сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида 1 апрель куни Самарқанд халқаро аэропортида **40 га** яқин туроператор, **10 га** яқин элчиҳона ва “Uzbekistan Airports” АЖ вакиллари иштирокида **“Discovering Uzbekistan”** номли туристик конференция ташкил этилди.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги мутасаддилари Ҳиндистоннинг Ҳаряна штатида ўтказилган “Surajkund Mela” хунармандлар фестивалида қатнашди. Фестивалда Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти намойиш этилди.

2022 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижлик сайёҳларни **2,7 миллионга**, жумладан, биринчи ярим йилликда **1 миллионга** етказиш белгиланган. Жорий йилнинг январь — июнь ойларида Ўзбекистонга **1,9 миллион** хорижлик сайёҳ ташриф буюрди ва белгиланган прогност **190 фоизни** ташкил этди. Таққослаш учун айтиш керакки, ўтган йилнинг шу даврида юртимизга **691,7 минг** сайёҳ келган. Йил якуни бўйича хорижий сайёҳлар **3 миллиондан** ошиши кутилмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стра-

тегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида мамлакатимизга ташриф буюрадиган хорижлик сайёҳлар сонини **2026 йилга қадар 9 миллионга етказиш бўйича юксак мароа олинган**.

Қонун ҳужжатларида белгилаб берилган бирор-бир топшириқ ўз вақтида бажарилмай қолгани ёки сифатсиз бажарилиши кўзланган мақсадларимизга етишга катта тўсқинлик қилади. Шунини чуқур ҳис қилган ҳолда, Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳар бир ходимнинг ижро интизомини мустаҳкамлаш, масъулиятини оширишга катта эътибор қаратмоқда.

ДИЛШОД УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ишбилармонлик муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқ. Мамлакатимизда тадбиркорликка қаратилаётган эътибор фақат шу соҳа ривожига эмас, бошқа тармоқларга ҳам ижобий таъсир кўрсатаётганини диққатга сазовор. Бугунги тадбиркорларимиз бунинг яхши билади ва шунга мос ишлайди.

“Фаол тадбиркор” кўкрак нишонини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирини Ж.Хўжаев ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқатириш вазирини Ж.Қўчқоров иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллигига



ЖИЗЗАХ: БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК
ВА ФАРОВОНЛИК КЎЛАМИ
ЯНГИЧА ТАШАББУСЛАР АСОСИДА КЕНГАЙМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

... Бобомиз Бобур таъриф келтирган истироҳат ва фаровонлик бугунги жиззалиқлар ҳаётида ҳам тўла-тўқис акс этмоқда, десак муболағга йўйманг. Зотан, ажодлар яратиб кетган қўлалиқлардан баҳраманд бугунги авлод бунёдкорлик, ободлик ва фаровонлик кўламини янгича қараш ҳамда янгича ташаббуслар асосида кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Биргина Жиззах шаҳридаги энг йирик дам олиш маскани — “Ўрда” боғини олайлик. Бундан уч-тўрт йил олдин шаҳарнинг тарихий масканларидан бири бўлган мазкур қўғонда ободонлаштириш ишлари бошлангани вилоят аҳлини жуда мамнун этди. Лойиҳага кўра, 37,5 гектардан иборат бўлган боғ майдонида унинг тарихий иншоотларига, экологиясига зарар етказмаган ҳолда қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Тўртта кириш дарвозаси қайтадан қурилиб, йўллар, йўлақлар таъмирланди, кошнлар ётқизилди.

— Боғнинг қайта барпо этилишини фақат ободонлаштириш билан боғлаш нотўғри, — дейди Жиззах шаҳар ҳокимлиги хузуридаги жамоатчилик назорат кенгаши раиси Ҳамроқул Маматқўлов. — Чунки “Ўрда” қўғони ҳудуди Жиззах шаҳрининг қадим тарихи, ўтган асрнинг бошида бўлиб ўтган Жиззах қўғонлини билан бевосита боғлиқ маскан. Боғда тарих ва ватанпарварлик майдонлари, кутубхоналар мавжуд. Шу маънода, “Ўрда” ни ёшларимизга тарихимизни аниқлаш учун, уларни ватанпарварлик руҳида тарбияловчи маърифат ва маънавият майдонига қиёсласак арзийди.

Боғни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида реконструкция қилиш билан бирга, ҳудуднинг тарихий иншоотлари, экологик хилма-хиллигини сақлаб қолишга эътибор қаратилган. Қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаш олдидан тарихий аҳамиятга эга иншоотлар ва табиий хилма-хилликка зарар етказмаслик мақсадида ҳудуддаги 24 турдаги 1 минг 800 та даракт, “Бобо якка” тарихий обидасининг муҳофазаси таъминланди.

Атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов ҳамда халқимизнинг суоқли шоирлари Ҳамид Олимжон ва Зулфияноҳим ҳайкаллари, уларнинг музейлари бугун жиззалиқлар ва вилоят меҳмонлари қанчалик кўп таъриф буюрадиган масканга айланган бўлса, “Ўрда” боғи ҳам ундан кам эмас. Агар Жиззах вилоятига йўлингиз тушса, албатта, “Ўрда” да ҳам бўлинг. Одамлар билан савимий сўхбат қуринг, дийдорлашинг, фикр алмашинг. Жиззах ҳақида тасаввурларингизни бойитинг. Шундай, ҳам ёшларнинг, ҳам ёши улугларнинг, ҳам оилаларнинг ҳордиқ майдонига айланган боғ сизга тарихдан “сўзлаш” баробарида, замонавийликка ҳам қўлашди.

Боғ оқшом чоғи турфа чироқлар ёруғида янада фойзли бўлади. Сайр қилинг, томоша қилинг...

Қадди баланд юртнинг қадри баланд одамлари

Бугун юртдошларимизга шундай таъриф берсак арзийди. Нега? Бу савол жавобини бир неча омилларга боғлаш мумкин. Лекин, бизнингча, асосий сабаби мамлакатимизда инсон манфаати дар нисбандан устун қўйилаётганида. Давлат идораларининг халқ билан ҳисоблашаётганида, давлат хизматчисининг одамлар тақдирини билан қизиқаётганида. Ваҳоланки, илгари вазирлар, ҳокимлар ёки бошқа идоралар мутасаддиларининг маҳаллаларга келиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказиши, уларнинг “дарди” ни эшитиши жамдан-кам ҳолат эди. Ёки бўлмаса, тижорат банклари вакилларининг “Кредитга эҳтиёжингиз борми? Агар бор бўлса, биздан олинг”, дея эшикма-эшик юришини тасаввур ҳам қила олмадик. Бундай ҳолатларга энди-энди қўқиямиз. Лекин булар етарли бўлмади. Ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилдики, энди оилаларда қандай эҳтиёж бор-йўқлиги доимий назорат қилиниб, маҳалла аҳлининг фикри, эҳтиёжи, талабини ҳокимиятга етказувчи вақил пайдо бўлди. Пиравардида, ишда натижадорлик ошди. Айрим қўғонда қолиб кетаётган масалалар таҳлил этилиши ҳам, одамларнинг мушқули ҳам осонлашди. Масалан, борган манзилимиз — Шароф Рашидов туманидаги “Пастки сўлоқчи” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Темир дас-тар”ида ҳеч ким қолмаган.

— Бунинг замирида ҳам Президентимизнинг эътибори ётибди, — дейди ҳокимнинг ушбу маҳалладаги ёрдамчиси



Ниятжон Мўминов. — Чунки айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан оила-ларга ер майдонлари ажратиб берилди. Натижада ишчилар ишли, даромади кам-лар қўшимча даромадли бўлди. Рўзгорларига, дастурхонига барака инди. Хусусан, биз 6 гектар ерни 60 та хонадонга 10 сотихдан бўлиб бердик. Ҳар бирига имтиёзли шартлар асосида ажратилган 33 миллион сўмлик кредит эвазига 4 сотихига иссиқхона қуриб бердик, 6 сотихини очик экин майдонига қолдирдик. Экинладиган уруғларни олиб бердик. Иссиқхоналар тўлиқ томчилатиб сугориш тизимлари билан таъминланган. Ҳомийлик маблағи эвазига трансформатор ўрнатдик, сугориш учун артезиан қудуқ қаздирдик. Бир сўз билан айтганда, иссиқхона, ихчам томоркани тайёр даромад манбаига айлантириб бердик. Зарурат бўлса, маҳсулотига харидорни ҳам ўзимиз толиб берамиз. Шундай қилиб, даромадлилар кўпайди.

Қўзғатимиз. Бир хил шакл ва майдондаги иссиқхоналарда иш қизғин. Бу йил деярли барча иссиқхонада бодринг экилибди. Баъзилар хатто бодрингни сотиб, янги экинни ҳам экиб улгурган. Мўҳими, одамларда иштиёқ ортган, даромад чакки эмас-да.

— Оиламиз катта — 11 кишидан иборат, шунга яраша харажат ҳам кам эмас, — дейди Комил Уроқов. — Устачилик қилардим. Биласиз, бу мавсумий иш. Даромади ҳам шунга яраша. Йил бошида маҳалла-мизда иссиқхона хўжалигини юритиш тақлиф қилинганда, жон деб рози бўлдим. Иссиқхона нафақат мени, балки бутун оиламизни ишли қилди. 10 сотих еримиздан ойига 9-10 миллион сўм пул тояпмиз. Бу биз учун жуда катта ёрдам, албатта.

Қайд этганимиздек, иссиқхона ташаббуси оилалар рўзгорини бутлашда катта кўмак берди. Латофат Дўстёрова, Нафиса Боймуродова каби уй бекалари ишли бўлганларидан мамнун. Эътиборли жиҳати, маҳалладаги 822 та хонадоннинг 370 тасида иссиқхона мавжуд. Бу иссиқхона хўжалиги маҳалланинг “драйвер”ига айланганини аниқлатади.

Ниятжон ака ҳали бу ишлар янада кенгайтирилиб айтиб, яқин вақтлар ичида Пастки сўлоқчида етиштирилган маҳсулотлар хориж бозорларига ҳам етказиб берилишини, шу мақсадда ҳозирданок ҳамкорлик қилиш борасида тақлифлар борилигини таъкидлади.

Маҳалладан чиқар эканмиз, Ниятжон ақани қўлаб-қувватладик. Ҳазил қилиб, бу исмига ҳам боғлиқлигини, ўйлаган ниятлари тезроқ амалга ошишини тилаб, хайр-лашдик.

Мустақиллик мамлакатимизга жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш имконини туҳфа этган бўлса, Президентимиз томонидан амалга оширилаётган бугунги ислохотлар шу юрт одамларига янада қўлай ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун шароит яратаяпти. Жиззах вилояти иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Одил Мусановнинг айтишича, жорий йилда 100,9 мингта доимий ва мавсумий янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Шундан 1,5 мингтаси маҳаллаларда томорқа хизматлари ташкил этиш, 16,5 мингтаси оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастури доирасида ажратилган кредитлар, 3,9 мингтаси фуқароларга

субсидия ажратиш, 2,4 мингтаси маҳаллаларга бириктирилган “етақчи” тадбиркорлар ва аҳоли хонадонлари ўртасида



кооперацияни йўлга қўйиш, 16,6 мингтаси ерларни ўзлаштириш ҳамда пахта-ғалладан бўшаган ерларни аҳолига бўлиб бериш ҳисобига яратилади. Бундан кўринадики, бу борадаги ишлар ҳали изчил давом этаверади.

Тадбиркорлик ва саноат иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари

Вилоятда жорий йилнинг иккинчи ярмида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 5 894,9 миллиард сўмга етказиш мўлжалланган. Бунинг учун 28 та йирик ва 3 минг 763 та кичик саноат корхонасининг тўлиқ қувватларида ишлаш чоралари қўрилмоқда. Шунингдек, йил охиригача маҳаллилаштириш дастури доирасида 67 та лойиҳада 1 562 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қўзланган. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳудудлардаги кам қувват билан ишлаётган корхоналар тўлиқ хатловдан ўтказилаётгани, корхоналарни модернизация қилиш бўйича лойиҳа тақлифлари ишлаб чиқилаётгани, умуман, саноат корхоналарининг изчил қўлаб-қувватланаётгани амалда ўз самарасини беради, албатта.

Вилоят саноати ўсиши ва аҳолини иш билан таъминлашда “Bonu shirinliklari” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Чунки 2009 йилда фаолиятини бошлаган корхона жамоаси ўтган вақт мобайнида ички бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаб олди. Яъни бугун корхонанинг “Deya” савдо белгиси остида ишлаб чиқараётган вафли ва ширинликларини истеъмолчилар яхши билади. Корхона Туркия ва Германиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Бу биргина вафли цехимизда кунига 10 тонна атрофида маҳсулот тайёрлаш имконини берди, — дейди цех бошлиғи Шерод Суннатов. — Ишчиларимизнинг аксарияти ён-атрофимиздаги маҳаллалар ёшари.

Айтишларича, қянжда Жиззах шаҳрида “Deya” брендли яна бир корхона — “Ius kon” масъулияти чекланган жамияти фойдаланишга топширилди. Корхона йилга 18,5 миллиард сўмлик 4,8 минг тонна турли хил қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга. 80 киши доимий даромадли ишга жалб этилган.

Жиззах вилояти учун автомобилсозлик саноати ҳам янгилик эмас. Гап шундаки, 2021 йилда умумий қиймати 3,4 триллион сўм бўлган учта ийрик инвестиция лойиҳаси тўғрисида “ADM Jizzakh” МЧЖ ташкил этилиб, бу ерда “Kia”, “Renault” ҳамда “Lada” русумли автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона қуввати — йилга 100 мингта автомобиль.

— Айни пайтда бизда соатига бешта машина тайёр ҳолда чиқарилади, — дейди “ADM Jizzakh” корхонаси йиғиш цехи бошлиғи Эркинжон Рафировов. — Хусусан, “Kia”, “Renault” ва “Lada”нинг 13 та модели йиғилади. Яна бир гап. Келгуси йилда жамиятимиз ёнида янги завод ишга туширилади. Бу ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади, дегани. Кейинги режаларда автомобиллар эҳтиёт қисмларини ҳам ўзимизда ишлаб чиқариш лойиҳалари мавжуд. Логистика тизими ҳам йўлга қўйилди. Қисқаси, яқин бир-икки йил ичида ҳудудда автомобилсозликнинг бутун бир маммуаси яратиладики,

бу юртдошларимизнинг енгил автомобилга бўлган эҳтиёжини маълум маънода қаноатлантиришга хизмат қилади.

Яъни ниятда янги, халқ тили билан айтганда, “ҳали бўёқ ҳиди келиб турган” “Kia”лардан бирини миниб кўрдик. Имкониятларини технолог Бахтиёр Жўраевдан суриштирдик. Айтишича, танловимиз жуда зўр. Чунки ушбу автомобиль “Kia Sorento” бўлиб, жаҳон автомобилсозлик саноатидаги энг яхши ва талабгир транспортлар сирасига қираккан. Кроссовер типдаги етти ўринли ушбу машина 179 от кучига эга бўлиб, 9,4 секундда 100 километр тезликка чиқа оларкан.

Жиззахда, Ўзбекистонда бутун шундай замонавий автомобиллар ўзимизнинг ёш мутахассислар томонидан ишлаб чиқарилаётгани кишида фахр туйғусини уйғотади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги долзарб масала

Вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар, амалий ҳаракатлар ҳам диққатга сазовор. Жумладан, жорий йилда умумий қиймати 70,5 миллиард сўм бўлган 30 та паррандачилик комплексини ташкил этиш кўзда тутилган бўлса, шу кунгача унинг 21 таси фаолияти йўлга қўйилди. Уларда 180 минг парранда боқилапти. Мисол учун, Ғаллаорол туманидаги “Санзор парранда” МЧЖ умумий қиймати 4,9 миллиард сўмлик 565 минг бошга мўлжалланган тухум йўналишидаги қўшимча лойиҳани ишга тушириб, 12 та иш ўрни яратди. Ш.Рашидов туманидаги “Kompakt Poultry” МЧЖ умумий қиймати 1,6 миллиард сўмлик 200 минг бошга мўлжалланган қўш йўналишидаги лойиҳа асосида 5 кишини иш билан таъминлади.

Бундан ташқари, Президентимиз 2021 йил 24 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳоли хонадонлари-



га кооперация усулида парранда етказиб бериш ҳамда туманларда кичик инкубаторлар ташкил этиш топширигини берган эди. Шундан келиб чиқиб, 6 минг 371 та хонадонга 794,1 минг бош парранда етказиб берилди. Паррандачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 44 та паррандачилик хўжалиғига 4 минг 56 гектар ер майдони ажратилди.

Бу қабил ишлар вилоятдаги йирик лойиҳалардан бири ҳисобланган “Jizzakh organik” масъулияти чекланган жамиятида ҳам яхши йўлга қўйилган. Яъни қорва-чилик ва қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштиришни ривожлантиришга хизмат қилаётган ушбу лойиҳа қиймати 100 миллион долларни ташкил этади. Ишлаб чиқариш қуввати йилга 2 минг 500 тонна гўшт маҳсулотлари. Бунинг учун дастлаб Европа давлатларидан 584 бош, АҚШдан 2 минг 147 бош, Россиядан 1 минг 789 бош қорамол ва Австралиядан 2 минг 95 бош қўй келтирилган эди. Бугунги кунга келиб қорамоллар 9 минг, қўйлар 2,6 минг бошга етган. Жамоанинг техника паркида 500 донна техника ва ускуналар бор.

— Айни пайтда “Jizzakh organik” МЧЖда 1000 дан ортиқ ишчи-мутахассис меҳнат қилмоқда, — дейди жамият директорининг тижорат бўйича ўринбосари Анвар Қозиев. — Шунингдек, озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 1000 гектар майдонга сугориш тизимлари ўрнатилиб, ишга туширилди. 2 минг 400 гектар майдонга қўшимча сугориш тизимларини лойиҳалаш, ўрнатиш ва ишга тушириш ишлари давом этмоқда. Шундай қилиб, йил охиригача барча экин

майдонларимизни сув билан таъминлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Аста-секин бошқа лойиҳаларга ҳам киришялмиз. Масалан, келгуси йилда ўзимизда етиштирилган гўшт ва сутни қайта ишлашни йўлга қўямиз. Бу ҳам имкониятимизни янада оширади.

Умуман олганда, вилоятда жорий йилнинг иккинчи ярмида жами 60,7 минг гектар, шундан 1,2 минг гектар эртаки экинлардан ва 59,5 минг гектар ғалладан бўшаган майдонлардаги тақрорий экинлардан 18,2 минг тонна сабзавот, 276 минг тонна полиз экинлари, 6,7 минг тонна мойли экинлар, 2,2 минг тонна макка дони, 42 минг тонна дуккакли экинлар, 4,2 минг тонна тариқ ва 244,3 минг тонна озуқа олиш белгиланган.

Озиқ-овқат узлуксизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлаш учун жорий йил якунига қадар қиймати 65,1 миллиард сўм бўлган 18 та парранда гўшти етиштириш йўналишидаги янги лойиҳани амалга ошириш ва мавжуд хўжаликларда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш орқали 30 минг тонна товуқ гўшти етиштирилиши таъминланади.

Режалаштирилган лойиҳалар ишга тушиши натижасида вилоятдаги пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 683 тонна гўшт, 37 минг тонна сут ишлаб чиқарилади ва 690 та янги иш ўринлари яратилади.

Жорий йил якунигача вилоятда кооперация усулида гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашни йўлга қўйиш учун қиймати 8,2 миллиард сўмлик 20 та оилавий қорвачилик кооперацияси ташкил этилиб, улар томонидан 501 та кооперацияга аъзо бўлган хонадонга 511 бош сут йўналишидаги ва 1 минг 711 бош гўшт йўналишидаги қорамоллар тарқатилиши бўйича барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилади. Ушбу

меҳмондўстлиги хорижлик меҳмонларни ўзига жалб қилмоқда, — дейди оилавий меҳмон уйи эгаси, тадбиркор Раҳмат Шарипов. — Шу боис, қишлоғимизда туризм салоҳияти тез суръатларни ўсиб бормоқда. Хорижлик меҳмонлар миллий таомларимиз, қозон патир ва гузал табиатимиздан баҳраманд бўлмоқда.

Қайд этиш жоизки, Фориш туманида кейинги йилларда туризм соҳасини ривожлантиришга 8 миллиард 566 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Жорий йилнинг биринчи чорағида Юқори Ҳўм қишлоғида битта оилавий меҳмон уйи ҳамда маҳалланинг Ҳаёт қишлоғида битта 9 хонали 35 ўринли хостел ташкил этилди. Айни кунда туманда 13 та оилавий меҳмон уйлари фаолият юритмоқда.

Туманнинг Ёлчи, Каттабоғдон, Сафара, Мокрум, Андаген, Асраф қишлоқларида ҳам сайёҳлик йўналишларини очиб борасида янги-янги лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда.

Жиззах вилоятининг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда нисбатан янги соҳа бўлган мазкур йўналишда 2022–2026 йиллар давомида Зомин, Фориш, Бахмал туманлари ва Айдар-Арсасой қўллар тизимида қўшимча туристик зоналар ва дам олиш масканларини барпо этиш бўйича 300 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш ва 25 мингта янги иш ўрни яратиш белгиланган. Жумладан, алоҳида транспорт қатновларини йўлга қўйиш, туристик зоналардаги тадбиркорларга имтиёзлар бериш орқали уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, Фориш туманида алоҳида туристик комплекслар, Зомин туристик ҳудудида замонавий тоғ-чанги комплекси, тоғдор йўли, 8 та сихатхондан иборат “рекреацион зона” барпо этиш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 июндаги “Ўзбекистон Республикасида сувда дам олиш ва пляж туризмининг ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2021–2025 йилларда Жиззах вилоятининг Айдар-Арсасой қўллар тизимида пляж туризмининг ривожлантиришга қаратилган туристик-рекреацион зонасини ташкил этиш белгиланган.

Юқоридаги режаларнинг амалга оширилиши билан жойлаштириш воситалари сони 347 тага етказилади, улардаги хоналар сони 3 минг 338 тага, ўринлар сони 8 минг 774 тани ташкил этади.

Вилоят ҳудудида жами 366 та зиёратгоҳ ва қадамжолар, маданий-тарихий мерос ва обидалар мавжуд. Жумладан, Ғаллаорол туманидаги Савд ойи Абу Ваққос зиёратгоҳи, Фориш туманидаги “Мухаммад Шариф Грекушоҳ” маданий ёдгорлиги ва Хўжа Борбон ота зиёратгоҳи, Бахмал тумани ҳудудидаги Новак ота, Янгибод туманидаги Хўжа Мушкет ота, Ш. Рашидов туманидаги Парли ота зиёратгоҳлари истиқлол туфайли қайта қад ростлади.

Президентимиз фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида “Зомин” туристик-рекреацион зонаси дирекцияси фаолияти йўлга қўйилган. Бугунги кунда ҳудуддаги “Суффа” — 2400” платоси ва “Уриқлиси” туризм мажмуаси доирасида бош пудратчи — “Discover Invest” томонидан 3 та замонавий меҳмонхона қурилмоқда ва бошқа инфратузилма объектларини лойиҳалаш ҳамда жойлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

2022–2026 йилларда туристларга қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида 21 та туризм ахборот маркази, 65 та намунавий санитария-гигиена шохобчалари, 45 та туристик объектларга олиб борувчи йўл қўрсаткич биланлар ва 65 та туризм объектларида Wi-Fi ҳудудлари ташкил қилинади. Буларнинг бари шу вақт мобайнида вилоятга келувчи хорижий сайёҳлар сони 14 минг нафарга, маҳаллий сайёҳлар сони 1 миллион 500 минг нафарга етказиш мақсадида хизмат қилади.

Аслида Жиззахдаги бўлган ва бўлаётган ўзгаришларни битта мақолага сифатида мушкул. Тўхталганларимиз, ўқувчиларда тасаввур уйғотишга ҳаракат қилганимиз — бу ҳудудда амалга оширилаётган ишларнинг юздан бири, холос. Буларни мақоламиз аввалида таъкидлаганнимиздек, ўз кўзингиз билан кўрганингизга нима етсин?!

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон”
мухбирлари**



ZBEKOSMOS
Kosmik tadqiqotlar va texnologiyalar agentligi



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ОСМОН ИЛМИ ТУҒИЛГАН ЮРТДА ЯНГИ КОСМИК ТАДҚИҚОТЛАР

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, коинот бундан 14 миллиард йил аввал пайдо бўлган. Шу вақтга нисбатан олганда эса инсониятнинг фазони амалий тадқиқ этиш ва унга қадам қўйишни бошлаганига ҳали киприк қоққанчалик вақт ўтгани йўқ. Астрономия ривожига ана заминимиздан етишиб чиққан Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи сингари фалакиёт илмининг буюк намояндalари улкан ҳисса қўшган.

Улуғ аждодларнинг илмий меросини юртимиз олимлари янгича кўламда муносиб давом эттиряпти. Бир неча йил олдин янги сайёра очилгани, “Етти қароқчи” туркумидаги ўта янги юлдузнинг чақнаши биринчилардан бўлиб қайд этилгани, “қора туйнук” назариясига оид кашфиётлар ва бошқа халқаро миқёсда тан олинган тадқиқотлар улар салоҳиятидан дарак беради.

Кейинги пайтда коинотни тинчлик мақсадларида тадқиқ қилиш, мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларини ривожлантириш учун космик технологиялардан самарали фойдаланиш устидаги изланишларга катта эътибор қаратилмоқда. Бундан уч йил олдин ҳудди шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Космик тадқиқотлар ва технологиялар (“Ўзбеккосмос”) агентлиги ташкил этилганди.

Унинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг асосий жиҳатлари, олиб борилаётган амалий ишлар, истиқбол имкониятларига доир мушоадалар Агентлик бош директори вазифасини бажарувчи Шухрат ҚОДИРОВ билан суҳбатимиз моҳиятини ташкил этди.

— Маълумки, сўнгги йилларда космик фаолият илмий ва технологик тараққиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланди, — дейди Шухрат Қодиров. — Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кўплаб соҳаларини ривожлантиришда унинг ўрни, аҳамияти ортиб бормоқда. Эндиликда бу борадаги ютуқлар ҳар қандай мамлакат ривожига энг муҳим қўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда ҳам космик фаолият соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилляпти.

Қолаверса, космик тизимларнинг навигация, фазодан кузатиш, алоқа, бошқарув ва маълумотни узатиш, гидрометеорологик, картографик, топографик ва бошқа турдаги соҳалар, глобал ахборот ва телекоммуникация майдонлари узлуксиз ишлашини таъминлашга бўлган эҳтиёж ҳам кундан-кунга ортиб борапти.

“АГЕНТЛИК ЗИММАСИГА РЕСПУБЛИКАДА ТАБИИЙ ВА ТЕХНОГЕН ХУСУСИЯТЛИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВА ЁНГИНЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ХАВФИНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА КОСМИК МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВАЗИФАСИ ҲАМ ЮКЛАТИЛГАН. БИНОБАРИН, БУ БОРАДА МҲАЙН ТАЖРИБАГА ЭГАМИЗ. ХУСУСАН, ЎТГАН ЙИЛ АВГУСТ ОЙИДА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЗОМИН ТУМАНИДАГИ ЎРМОН ЁНГИНИ ТУФАЙЛИ 38 ГЕКТАР МАЙДОН ЗАРАР КЎРГАН, УНИНГ САБАБ-ОҚИБАТЛАРИНИ АНИҚЛАШГА ХОДИМЛАРИМИЗ ҲАМ ЖАЛБ ЭТИЛДИ.

Ана шундай талаб-эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, Президентимизнинг 2019 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида”ги фармони билан мамлакатимизнинг янада барқарор ривожланиши, жумладан, иқтисодиётнинг турли соҳаларида инновацион космик технологиялардан фойдаланиш орқали мавжуд илмий-техник салоҳиятини самарали амалга ошириш ҳамда юртимиз хавфсизлигини таъминлашга қўмлашши мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 20 майдаги “Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, “Ўзбеккосмос” таркибига Космик мониторинг ва геоахборот технологиялари маркази ташкил этилди. Марказ сунъий йўлдош аппаратлари орқали ерни масофадан зондаш, унинг маълумотларини қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш, космик ва геоахборот технологиялари, шунингдек, учувчисиз учуш аппаратлари ёрдамида иқтисодиёт тармоқлари, мудофаа ва хавфсизлик соҳалари ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини ривожлантиришга доир ишларни амалга оширади. Давлат идоралари, ҳўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият



органлари, жисмоний ва юридик шахсларга космик мониторинг, сунъий йўлдош ҳамда учувчисиз учуш аппаратлари орқали Ерни масофадан зондаш маълумотларини тақдим этиш ва космик соҳага оид бошқа хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади.

— Космик технологиялар кўмагида қишлоқ, сув ва ўрмон ҳўжалиги, экология, геология, кадастр, шахарсозлик, телекоммуникация, транспорт инфратузилмаси соҳаларида қатор лойиҳаларни амалга ошириш, тахлилий маълумотлар билан таъминлаш бўйича қандай натижаларга эришляётгани ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди.

— Заминимизнинг ҳар қаричини эъзозлаш, ундан самарали фойдаланиш аини куннинг энг долзарб вазифаси. Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорларига кўра, Ерни масофадан зондаш, яъни Ер юзини турли суратга олиш ускуналари билан жиҳозланган сунъий йўлдошлар, самолётлар ва учувчисиз учуш аппаратлари ёрдамида кузатиш, тўлланган маълумотларни таҳлил қилиш ишлари олиб бориляпти.

билан биргаликда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тўртта туман учун тақдим этилган маълумотлар асосида тахлил қилинмоқда. Уларнинг ҳулосалари ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини оширишда қўл келади.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг Чорвоқ сув омбори атрофидаги ўрмон фонди ерларига қарашли 870 квадрат километрга тенг ҳудудлар кесимида турли даврийликдаги космик суратларни юклаб олиб, 12 мингдан ортиқ объектларни таҳлил қилиб чиқдик. Натижада 11 мингдан ортиқ турар, 907 та нотурар жойлар, 408 та ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган, 227 та узлаштирилмаган майдон, 413 та маълумоти тўлиқ бўлмаган иншоотлар тўғрисидаги бирламчи маълумотлар базаси шакллантирилди. Мазкур маълумотларни ўз ичига олган Геоахборот платформаси ишлаб чиқилди.

Бу тажриба, ўз навбатида, олдимизда турган 450 минг квадрат километр ҳудудни ўрмон фондининг қамайиши ёки қўнайиши, қуриш аломатлари, қандай касалликлар борлиги бўйича космик мониторинг ўтказишда жуда асқатади.

Яқинда Чимкўрғон ва Жанубий-Сурхон сув омборлари сув сатҳи режимини космик мониторинг қилишга киришамиз. Синов лойиҳасини амалга ошириш учун малакали мутахассислар, шу жумладан, хорижий экспертлардан иборат ишчи гуруҳ шакллантириляпти.

Мамлакатимизда сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш соҳаларини янада ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониға кўра, “Ўзбеккосмос” агентлиги сейсмик фаол зоналардаги бино ва иншоотлар жойлашган майдонларнинг zilзилалар оқибатида деформацияси, силжиши, чўкиши каби омилларни кўрсатиб берувчи радиолокацион космик мониторинг тизимини олиб бориш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланган. Ушбу тизимнинг тула жорий этилиши инсон омилсиз республиканинг турли жойларида жойлашган сув омборларининг сейсмик мустаҳкамлигини кузатиш имкониятини беради.

Космик фаолият тошқинлар, сел оқимлари, қор қўчиш ва ер қўчи ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги ишларни ташкил этишда жуда қўл келади. Шу боис, агентлигимиз Ўзгидромет хизмати маркази билан ҳамкорликда республиканинг тоғ ва тоғлиқ ҳудудларида жойлашган аҳоли ҳўжаликлари ва инфратузилма объектларининг сел, сув тошқинлари хавфига мойиллиги доимий ўрганиб борилюмоқда.

Агентлик зиммасига республикада табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар ва ёнгинларнинг келиб чиқиш хавфини барвақт аниқлаш мақсадида космик мониторинг тизимини жорий этиш вазифаси ҳам юкла-тилган. Бинобарин, бу борада мўайян тажрибага эгамиз. Хусусан, ўтган йил август ойида Жиззах вилояти Зомин туманидаги ўрмон ёнғини туфайли 38 гектар майдон зарар кўрган, унинг сабаб-оқибатларини аниқлашга ходимларимиз ҳам жалб этилди. Ушбу ҳудуд бўйича ҳар кунлик космик суратлар ва бирламчи тахлиллари ўзида мўжасамлаштирган маълумотлар бир иш кунида тегишли ташиқлотларга тақдим этилди.

Самарқанд шаҳрида автоёўлларни рақамлаштириш лойиҳаси ўстида ҳам иш олиб бордик. Яъни автомобиль йўлларининг узунлиги, қоплами, қанча чизиги борлиги ва бошқа ҳолатлар ўрганилиб, бу маълумотлар асосида ўз тавсияларимизни тақдим этдик.

Космик мониторинг технологияларини қўллаш, улар асосида геоахборот маҳсулотларини ишлаб чиқиш бугунги кунда дунё мамлакатлари иқтисодиётининг турли жабҳаларига рақамли технологияларни жорий этишнинг инновацион ечими ҳисобланади. Бу борада амалга ошириляётган ишлар тезкорлиги ҳамда сифатини ошириш геоахборот тизимларини янада кенроқ татбиқ этишга йўл очади.

— Мамлакатимизда космик технологиялар ва тадқиқотлар соҳаси жуда ёш бўлса-да, унинг ривожланиши истиқболларига катта ишонч билан қаралляпти. Табиийки, соҳа ривожини халқаро ташиқлотлар ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада қандай ишларга алоҳида эътибор қаратилляпти?



“ЎЗБЕКИСТОНДА СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ДЕЙИЛСА, КЎПЧИЛИК ИНТЕРНЕТ МАСАЛАСИНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИНИ, ТЕЛЕВИЗИОН КАНАЛЛАРНИНГ ФАЗОДАН ЙЎЛЛАНИШИНИ ТУШУНАДИ. АСЛИДА СУНЪИЙ ЙЎЛДОШНИНГ ТУРИ КЎП. БУГУНГИ КУНДА ЕРНИ МАСОФАДАН ЗОНДАШ ВА АЛОҚА СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАРИ КЕНГ ОММАЛАШГАН. УЛАР ГЕОСТАЦИОНАР ДЕЙИЛАДИ ВА 36 МИНГ КИЛОМЕТР БАЛАНДИККА УЧИРИЛАДИ.

— Агентлик ўтган қисқа вақтда Ўзбекистон вакили сифатида БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси ҳамда МДҲ ҳўкуматлараро космик кенгашига аъзо бўлди. Туркий давлатлар ташиқлоти доирасида космик агентликларнинг янги технологиялар бўйича ҳамкорлик йўналишини ташкил этиш фаолиятида иштирок этаймиз.

Яқинда Австриянинг Вена шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Космик ишлар бўйича бошқармасининг (UNOOSA) Космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш кўмитаси мажлисида БМТ Бош Ассамблеясининг 77-сессиясида Ўзбекистонни Кўмита аъзоллигига қабул қилишни тавсия этиш юзасидан қарори қабул қилинди. Кўмита аъзоси бўлиш мамлакатимизнинг глобал миқёсда космос билан боғлиқ воқеалар, жараёнларни кузатиш ва мўҳокама қилиш учун кенг имконият беради.

Шу билан бирга, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Қозғистон, Озарбайжон, Португалия, Покистон ва Малайзия космик агентликлари билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан битим ва меморандумлар имзоланган. Дунёнинг “Maxar”, “Airbus”, “SpaceX”, “Planet”, “Hexagon”, “SSI Monaco”, “Viasat”, “OneWeb”, “ESRI” каби етакчи компаниялари билан ҳамкорлик алоқалари ўрна-тилган.

Агентлик томонидан Франция Олий аэронавтика ва космонавтика институти, Осиё ва Тинч океанида космик фан ва технология таълими маркази, Москва авиация институти билан космик соҳа учун кадрлар тайёрлаш ҳамда ҳодимларимизнинг малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли тренинг, семинарлар ҳамда бакалавр, магистратура босқичларида таълим дастурларини ташиқлаштириш бўйича ҳамкорлик қилиб келинляпти.

— “Ўзбеккосмос” билан ҳамкорлик қилаётган дунёнинг етакчи компаниялари орасида “SpaceX”ни ҳам санаб ўтдингиз. Ушбу компания ўзининг “Starlink” лойиҳаси асосида қўйи ер орбитасига шу пайтгача 3 мингга яқин сунъий йўлдошларни учирди. Ушбу лойиҳа яқин истиқболда улар сонини 12 мингга, кейин эса 30 минггага етакзиш орқали бутун дунё аҳолисини жаҳоннинг ҳар қандай нуқтасида кенг поласоли интернет тармоғи билан таъминлашдан иборат. Агентлик билан Илон Маск компанияси ўртасидаги ҳамкорлик қандай йўналишларда олиб борилиши мўлжалланмоқда?

— Ҳақиқатан, аини пайтда “SpaceX” компанияси сунъий йўлдошлари 300-600 километр баландликда учиб юради. Улар биздаги оптик тола билан таққослаб бўладиган тезликдаги интернетни етказиб бермоқда. Масалан, оптик толада интернет узатиш тезлигини Нью-Йоркдан Лондонгача 56 миллисекунд деб олсак, “Starlink” космос орқали бунга 40-42 миллисекунд вақт сарфланади.

Шу йилнинг май ва июнь ойларида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжуман доирасида “SpaceX”нинг Марказий Осиё бўйича минтақавий раҳбари Бен Мак Уильямс билан компания томонидан сунъий йўлдош орқали юқори тезликдаги кенг поласоли Интернетга уланиш учун амалга ошириляётган “Starlink” лойиҳасининг Ўзбекистон бозорига киришига доир масалалар мўҳокама этилди. Бен Мак Уильямс келгусида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга ва ҳамкорлик қилишга тайёр эканини таъйидлады.

Қайд этиш жоиз, Тошкент шаҳрида ўтказилган “Discovery Day Uzbekistan” конференцияси АҚШнинг “Maxar Technologies”, “Esi” ва айнан “SpaceX” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда 30 га яқин вазирлик ва идоралардан 100 дан ортиқ раҳбар-мутахассислар иштирок этди. Халқаро конференция доирасида иқтисодиёт соҳаларида геоахборот маълумотларининг аҳамияти, космик технологияларни жорий этиш орқали бир қатор йўналишларда ундан фойдаланиш имкониятлари ва рақамлаштириш ёрдамида харақатларни оптималлаштиришга эришиш мумкин бўлган жиҳатлар юзасидан тақдимотлар ўтказилди.

Пойтахтимизда бундан бир ой олдин Марказий Евроосиё минтақасида биринчи бор бўлиб ўтган “Space Technology Conference STC — 2022” халқаро конференциясида эса АҚШ, Франция, Буюк Британия, Исроил, Хитой, Туркия, Япония, Италия, БАА, Қозғистон, Озарбайжон сингари дунёнинг 20 га яқин мамлакатидан вакиллар, аини йўналишда ишляйдиган 30 дан ортиқ етакчи хорижий космик компания ҳамда ташиқлотларнинг юзга яқин мутахассис ва экспертлари иштирок этди.

Анжуман доирасида космик соҳани ривожлантириш бўйича тажрибалар тақдим этилиди, соҳага хусусий секторни жалб этиш бўйича хорижий давлатлардаги тартибга солиш меъёрлари юзасидан фикр алмашилди, кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этишда қўмлашши, космик технологияларни иқтисодий-ижтимоий соҳаларда қўллаш юзасидан синов лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича келишувларга эришилди. Ушбу конференция вазирлик ва идоралар учун халқаро тажрибани ўрганиш, ихтисослашган йўналишларда жорий этиш учун энг янги тенденциялар, технологиялар ҳамда воситалар билан танишиш учун самарали платформа вазифасини ўтади.

— Ҳаммамизни қизиқтираётган бир масала бор: Ўзбекистон ўзининг сунъий йўлдошини қачон учиради?

— Жаҳон тажрибасидан маълумки, айрим давлатлар катта маблағ эвазига сунъий йўлдош учиргандан кейингина ундан қандай мақсадларда фойдаланиш устида бош қотирган. Баъзилари эса босқичма-босқич космик технологияларни қиритиб борган ва сўнгра унга катта маблағ йўналтирган.

Ўзбекистонда сунъий йўлдош дейилса, кўпчилик интернет масаласининг ҳал этилишини, телевизион каналларнинг фазодан йўлланишини тушунади. Аслида, сунъий йўлдошнинг тури кўп. Бугунги кунда ерни масофадан зондаш ва алоқа сунъий йўлдошлари кенг оммалашган. Улар геостационар дейилады ва 36 минг километр баландликка учирилади. Бу мустақил алоқани (маълумотларни узатиш) таъминлашга хизмат қилады. Ҳозирги кунда Ерни масофадан зондаш, телекоммуникация, илмий-технологик йўлдошларнинг миллий гуруҳларини яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қиритиш устида иш олиб бориляпти. Хусусан, Франциянинг “Airbus DS GEO Intelligence” компанияси билан сунъий йўлдош туркуми доирасида Ўзбекистон манфаатлари учун Ерни масофадан зондаш сунъий йўлдошини яратиш имконияти мўҳокама қилинди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимиз ҳудудидаги барча йўналишларга эксклюзив эгалик ҳўқуқини ва Ўзбекистон сунъий йўлдошидан “Airbus DS GEO Intelligence” компанияси орқали маълумотларни биргаликда халқаро бозорга сотиш имконини беради.

— Агентлик томонидан ишлаб чиқилган ва Ҳўкумат тасдиқлаган “Йўл харитаси”да яна қандай вазифалар кўзда тутилган?

— Энг асосий вазифа — юртимизда космик соаноатни ривожлантириш мақсад қилинган. Жумладан, соҳага оид норматив-ҳўқуқий асос ва стандартлар шакллантирилмоқда. Тизимга маслаҳатчи сифатида юқори малакали хорижий мутахассислар жалб этилган. Улар ёрдамида Ўзбекистон Республикасининг “Космик фаолият тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси тайёрланяпти. Аэрокосмик стартап инкубаторларини, “NASA Space Camp” космик маркази тажрибасига асосланган ҳолда, интерактив ўқув мажмуасини ташкил этишимиз учун зарур чоралар режалаштирилмоқда.

Иқтисодий-ижтимоий вазифаларга келганда, унинг қамрови тобора кенгайиб борапти. Бунда ерни масофадан зондаш ва космик мониторинг технологияларини қўллаган ҳолда, давлат органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қўмлашши, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиллады. Республиканинг 135 минг квадрат километр майдони учун топографик, шунингдек, 1:10 000 ва 1:25 000 миқёсдаги ер, қишлоқ ва бошқа турдаги хариталарни яратиш ва янгилаш, Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Фарғона вилоятларида ер қъри участкаларида ноқонуний геологик қидирув ишларини, барча сув омборлари акваториясини космик мониторинг қилиш, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар ва ёнгинларнинг келиб чиқиш хавфини барвақт аниқлаш чораларини қуриш, Самарқанд шаҳридаги транспорт инфратузилмасини инвентаризация қилиш, бир қатор вилоятлардаги умумий майдони 23,5 минг квадрат километр бўлган ер ости бойлиқларини қазиб олиш ҳолатларини таҳлил қилиш ана шулар жумласига қиради.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Абдурауф ҚОРЖОВОВ
суҳбатлашди.**

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда ҳам ахборот технологияси ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни ушбу бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш, малакали кадрлар тайёрлаш, дунёга машҳур IT компаниялар ишлаб чиқараётган техника, технологиялар ва дастурлар билан рақобатлаша оладиган IT маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш, миллий брендларни яратиш, маҳаллий ҳамда хориж бозорига етказиш, бу орқали мамлакатимиз иқтисодийётига катта фойда келтиришдан иборат.

Ана шу мақсадлар учун мамлакатимизда сўнгги йилларда тизимли ишлар бажарилди. Жумладан, IT йўналишида факультетлари мавжуд халқаро университетлар сони ошди. Шунингдек, 2019 йилда Тошкентда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки — IT-парк ҳамда вилоятларда унинг филиаллари очилди. Мактаб, лицей, коллеж, техникум ва университетларда "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам ахборот технологиялари ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2020

ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ва ёшлар билан учрашганида ҳам рамзий маъно бор. Чунки бугунги кунда ушбу академияда юзлаб ёшлар замонавий дастурлаш кўникмаларини эгаллаб, ўқиш давомидаёқ даромад топмоқда. Давлатимиз раҳбари бундай масканларни бошқа ҳудудларда ҳам ташкил қилиш зарурлигини айтиб, бу борадаги ташаббуслар ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини билдирди.

— 2017 йилда Президентимиз ахборот технологиялари соҳаси учун алоҳида солиқ режимини жорий этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаб, тегишли фармонни имзолаганидан кейин бу соҳанинг ривожига мустаҳкам пойдевор яратилди, — дейди IT-парк Тошкент вилояти филиали раҳбари Сарвар Пирназаров. — Мисол учун, ўша йили ахборот технологиялари экспорти атиги 600 минг долларни ташкил этган бўлса, бу йил 100 миллион доллардан ошishi кутилляпти. IT-парк резидентларидаги ишчилар ва рўйхатдан ўтган фрилансерлар анъанавий алоқа соҳасида банд бўлганлар сонидан ошди. Давлатимиз раҳбарининг ахборот технологиялари соҳасига алоҳида эътиборини яқинда ўтказилган учрашув форматидан ҳам билса бўлади. Йилгилиш ортиқча расмийлаштирилган холи, "Аструм" IT



ТРЕНДГА АЙЛАНГАН СОҶА

IT соҳасида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда ёшларни экспорт бозорларига чиқишига кўмаклашадиган тизим яратиш ҳамда барча соҳаларни рақамлаштириш бўйича вазифаларни белгиллаб берди. Мазкур учрашувдан биз ҳам катта куч олиб, берилган вазифалар ижросини самарали бажаришда бор иқтидор ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

Шу ўринда айтиш жоизки, IT-парк Тошкент вилояти филиали ҳам ҳудудда ахборот технологиялари ривожига салмоқли ҳисса қўшишга интилмоқда. Маълумки, IT-парк, бу — компаниялар учун истиқболли бошланғич лойиҳаларни, ташки иқтисодий зонани илмий ва таълим ташкилотлари билан интеграциялашган ҳолда ишга тушириш ва бозорга чиқаришини таъминлаш учун мўлжалланган объектлар, бино ва иншоотлар мажмуаси. У стартап лойиҳаларни амалга ошириш, ёшларни дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш, қобилиятли йигит-қизларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда фаол ва иқтидорли ёшлар замонавий техник инфратузилма таъминоти, молиявий ва илмий ёрдам мавжудлиги туфайли ўз гоёларини ҳақиқий бизнес лойиҳаларга айлантира олади.

Тошкент вилоятидаги шаҳар ва туманларда IT-парк тизимида жами 22 та Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилди. Мазкур марказлар тўлиқ асосда фаолият юритиб келмоқда. Уларда 50 та иш ўрни яратилган.

Мазкур IT марказлар замонавий компьютер техникалари, мебель, жиҳозлар билан таъминланган. Барча марказларда юқори тезликдаги интернет уланган. IT марказларда фрилансерлар учун ҳам шароит бор. Улар

ўзларига қулай вақтда IT марказларига келиб, компьютер техникаларидан фойдаланиши мумкин.

IT марказларда дастурлаш асослари, компьютер саводхонлиги, робототехника, веб ва мобил иловалар яратиш, ахборот технологиялари соҳасида инновацион тадбиркорлик асослари йўналишлари ва IT English курслари бўйича ёшларга таълим берилмоқда. Бунда олий ва ўрта махсус маълумотли дастурчи-мутахассислар дарс беради. Чет эллик мутахассислар билан онлайн тарзда боғланиш, улардан керакли маслаҳатлар олиш имконияти ҳам яратилган.

Ўқув курслари компьютер саводхонлиги бўйича 1-2 ой, дастурлаш асослари, робототехника, веб ва мобил иловалар яратиш бўйича 6-9 ой этиб белгиланган. Марказларда ташкил этилган ўқув курслари яқунланган. ўнда тахсил олганлардан имтиҳон олинади. Имтиҳондан ўтганларга ўқиган йўналишларига қараб сертификат берилади.

Бугунги кунда IT марказлар дастурлаш йўналишлари бўйича таълим олган ёшларнинг стартап гоёларини ривожлантиришга кўмаклашиб келмоқда. Тошкент вилоятидаги IT марказлар AQШнинг EPAM компанияси ҳамда Бирлашган Араб Амирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган "One million uezbek coders" лойиҳаси доирасида алоқа ўрнатган.

Тошкент вилоятида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва уларни экспортга йўналтираётган ёшлар кўп. Олмалиқ шаҳридаги Рақамли технологиялар ўқув марказида дастурлаш ҳамда графика ва дизайн йўналишида таълим бераётган Баҳодир Сатторов ҳам ана шундай ёшлардан.

— 2015 йилдан буён фрилансер соҳасида иш олиб бораман, қўллаб веб лойиҳалар ишлаб чиққанман, — дейди у фахрланиб. — Ҳозир ҳам ушбу фаолиятимни давом эттиряпман. Муваффақиятли лойиҳаларимни хорижий давлатдаги дастурчиларга яхши даромад эвазига экспорт қилдик. Ҳозирда IT соҳасида фаолият юритаётган юртдошларимизнинг яратган лойиҳаларини сотиш имкониятини берувчи "allsites.uz" лойиҳам устида иш олиб борапман. Бу веб-сайтда ёш дастурчилар ўзлари яратган веб-сайтлари ёки телеграм ботларини сотувга қўйишлари ва сотишлари мумкин. Келажақда янги IT лойиҳалар устида



Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК ШАРОФАТИ

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Наманган муҳандислик-технология
институтини ректори

Ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўяётган Ўзбекистон учун коррупциянинг ҳар қандай шаклдаги кўриниши ислохотлар шиддатини сусайтириши билан ҳам хавфли. Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида мамлакатимизда бу йилдаги қарши курашиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар жадаллаштирилади.

Бугун ҳар бир олий таълим муассасасида Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат қилиш тизимини бошқариш бўлими очилиб, уларда етакчи мутахассислар фаолият олиб бормоқда. Аниқроқ қилиб айтсак, олий таълим муассасаларидаги жараёнларни тўлиқ назорат қилиш имкони яратилди.

Шу ўринда қабул жараёнлари ва тест синовларидаги ўзгаришларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Бугун биттириш уйдан туриб ўқиш учун ариза топшира олади. Тест жараёни эса аниқ тизимга таяниб, кенг майдонларда кузатув камералари ўрнатилган ҳолда ўтказилмоқда. Жараёниги отаналар кузатиб туриш имкониятига эга. Умуман, мазкур йўналишга очиклик ва шаффофлик кириб келди. Бу эса қабул билан боғлиқ коррупция ҳолатларига батамом нуқта қўйишга, билимли ёшларнинг талабалар сафидан ўрин олишига хизмат қилади.

Яна бир жиҳат, магистратура босқичида ўқиш истагини билдирган ёшлар учун ҳужжат қабул қилиш бўйича ҳам шу йилдан бошлаб янги тизим жорий этилди. Эндилкида талаба хорижий тилларни ўлаштиргани тўғрисида сертификатга эга бўлса, бакалаврият босқичидаги ўлаштириш кўрсаткичлари билан келиб чиқиб, магистратура босқичига синовларсиз қабул қилинади. Ўқишни қўчириш жараёнининг такомиллаштирилиши ва қўчириш мезонларининг тартибга солиниши қарорда аниқ белгиллаб қўйилгани ушбу йўналишда ҳам коррупциянинг олдини олишга замин яратди. Шу муҳим ташаббус ҳам олий таълимда коррупцияга қарши курашиш учун ташланган катта қадамлардан бири бўлди. Таъбир жоиз бўлса, аяни жараёнларда инсон омили тамомилга чекланган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўқув жараёни бевосита рақамли шаклга ўтаётгани таълим сифатини оширишга, коррупциянинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Масалан, 2021-2022

ўқув йилидан давлат олий таълим муассасалари ўқитишни "кредит-модуль" тизимида олиб борапти. Бунинг амалиётга таътибқ этилиши натижасида журнал ва рейтинг дафтарчалари электрон шаклга ўтказилди. Талабаларнинг турар жойга жойлашмиши учун ҳам онлайн аризалар шакллантирилиб, мутасаддилардан иборат ишчи гуруҳ ҳулосасига кўра, талаба шу жойда яшаш учун тавсия этилади. Бу очиклик ҳам тизимда коррупциянинг олдини олишга қаратилган муҳим чоралардан саналади.

Юқоридаги ислохотлар олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнига эга бўлишида асосий аҳамият касб этапти. Мисол учун, ҳозир бизнинг Наманган муҳандислик-технология институтимиз дунёнинг етакчи олий ўқув юртлари билан фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқда. Чунотчи, AQШ, Германия, Россия, Беларусь, Туркия, Малайзия, Ҳиндистон, Покистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби ўндан ортиқ давлатдаги энг нуфузли олий ўқув юртлари билан 80 дан ортиқ ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Мазкур шартномалар бўйича келишувлар асосида профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви дастурлари, илмий-инновацион йўналишларда нуфузли анжуманлар ташкил этиш, ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, магистрантлар ва таянч докторантларнинг илмий ишларига ҳамкор хорижий олий таълим муассасаларидаги етакчи олимлар ва профессорларни илмий раҳбар сифатида тайинлаш тизими яхши натижалар бермоқда.

Жаҳоннинг "Top-1000" рўйхатидан ўрин олган Беларусь миллий техника университети ҳамда Саратов давлат техника университети билан ҳамкорликда 2+2 дастури бажарилмоқда. Утган ўқув йилида Туркиянинг ўнта етакчи олий ўқув юрти билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, меморандумлар имзоланган. Унга мувофиқ,



ўқув йили сўнгида 12 нафар магистрантими Туркиянинг Газисманпаша университетиде, 14 нафар профессор-ўқитувчимиз эса Эге ҳамда Карабук университетларида стажировка ўтади. Институтимизнинг халқаро лойиҳалардаги иштироки ҳам анча фаоллашган. Яқинда AQШнинг Виржиния технология университети профессори Тиффани Дрейл хоним Европа Иттифонининг "EPACMUS" лойиҳаси қўмағида волонтер сифатида институтимизга тақлиф этилди. Сентябрь ойида эса AQШнинг яна бир университетидан муҳандислик графикаси бўйича волонтерни таълим жараёнига жалб қилишни режалаштирғанмиз.

Жорий йил апрель ойида институтимизга AQШнинг юртимиздаги Бош консули Роберт Романовский таширф буюрди. Биз консул жаноблари билан талабаларимизнинг Америкадаги энг нуфузли олий ўқув юртларига хорижий лойиҳалар доирасида алмашинув дастурларида иштирок этиш масалаларини келишиб олдик. Шунингдек, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчиси Маниш Прабхат ташаббуси билан "Ҳиндистон ўқув хонаси" фаолияти мамлакатимизда биринчилардан бўлиб айнан бизнинг институтда ташкил этилди. Ҳиндистоннинг етакчи олий ўқув юртларидаги илгор технологияларни ўрганиш мақсадида 6 нафар профессор-ўқитувчимиз шу кунларда хизмат сафари билан Дехли шаҳрида бўлиб турибди. Сафар мобайнида қатор йўналишлар ва олий ўқув юртлари билан янги ҳамкорлик шартномалари тузишни режалаштирғанмиз.

Институтимизда 330 нафардан зиёд профессор-ўқитувчи фаолият юртимокда. Шундан 39 нафари фан доктори, профессор, 163 нафари фан номзоди, доцент ва фалсафа доктори (PhD). Илмий даражадаги берувчи

учта кенгашимизда 11 та ихтисослик бўйича диссертация ҳимоялари амалга ошириб келинмоқда.

Утган ўқув йилидан умумий қиймати 12,255 миллиард сўмлик 18 та, қиймати 347,2 минг AQШ долларига тенг бўлган 7 та халқаро лойиҳа бажарилмоқда. Ҳар бир лойиҳа бўйича 6 та янги илмий лаборатория очилди. Институт моддий-техник базасини яхшилаш учун охириги икки йилда чет эл грантлари ҳисобидан 66 минг AQШ долларни қийматидаги учта лаборатория жиҳозлари ҳамда 1,5 миллиард сўмлик тўқув-йигирув дастохлари ва зарур ускуналар олиб келинди. Жаҳон банки грантлари асосида 11,2 миллиард сўмлик олптта лаборатория жамланмасси келтирилиб, ўқув ва илмий жараёнларда қўлланилмоқда. Талабаларнинг илмий гоёларини ҳаётга таътибқ этишга мўлжалланган IT-парк фойдаланишга топширилди ва унга 550 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Интилишларимиз ва тинимсиз меҳнатларимиз самараси ўларок, 2021-2022 ўқув йилида талабаларимиз умумий қиймати 617 миллион сўм бўлган етти та стартап лойиҳа голибига айланди. Яна 5 нафар талабамиз турли номдаги давлат стипендиялари соҳиб бўлди, улардан бири Президент стипендиясини оляпти. "Ўлзубек ворислари" республика танловида 20 нафардан зиёд талабамиз ўз лойиҳалари билан иштирок этиди, шунингдек, 4 нафар талабамиз "Илм-фан соҳасидаги хизматлари учун" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳар бир соҳада эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асоси, пойдевори бўлади. Шу маънода, жамики муваффақиятларимиз замирида давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз томонидан олий таълимга қўрсатилаётган юксак эътибор, ишонч, ғамхўрлик ва рағбат муҳассам, деб айта оламиз. Зеро, мамлакат келажаги кўп жиҳатдан ёшларимизнинг олий таълимда олган билимига боғлиқ.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

ХЎЖАЙЛИ БУХОРО ТАЖРИБАСИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Оролбўйини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистондаги барча туманларга вилоятлар бириктирилган.

Бухоро вилояти ҳам жорий йил бошидан буён Хўжайли туманини янада тараққий эттиришга яқиндан қўмаклашмоқда. Мазкур ҳудудда бухоролик тадбиркор ва мутахассислар томонидан умумий қиймати 215 миллиард сўмлик қирққа яқин лойиҳа рўёбга чиқарилмоқда. Жумладан, Кун нури маҳалласида дастлабки босқичда 36 та яқна тартибдаги уй-жой қурилиши бошлаб юборилган. Қолаверса, тумандаги 10 та ёш оиланинг никоҳ ҳамда 10 нафар боланинг суннат тўйлари ўтказиб берилди. Тумандаги 30 нафар ўғил-қиз Вобкент туманидаги "Порлоқ келажақ" болалар ёғзи оромгоҳида таътилни мароқли ўтказди.

— Бу шнман ва замонавий оромгоҳда болажонларимиз учун яратилган шарт-шароит уйлаганимиздан ҳам зиёда экан, — дейди педагог тарбиячи Юлдуз Тайламуллоева. — Машгулот ва ўйин майдончалари, ётоқхона ва ошхона, айнақс, ховуз болажонларимизга завқ-шавқ улашмоқда. Улар учун мусиқа ва санъат оқшомлари, турли беллашув ва мусобақалар ташкиллаштирилмоқда. Бизга шундай қувонч ва шодлик бағишлаган бухороликлардан миннатдоримиз.

Лойиҳалардан яна бири Хўжайли туманидаги йўл инфратузилмасини яхшилашга қаратилган. Бухоро вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармиси жамоаси "Саришўнгул" овул фуқаролар йигинидаги Насия қўчасида 400 метр, Алим овулида 1,2 километр, Водник маҳалласида 400 метр йўлни шағаллаштирмоқда.

— Жайхун, Сомонқўл ва Ангар овулларида ҳам қатор ишларни амалга оширдик, — дейди бошқарма бош муҳандиси Нодирбек Болтаев. — Мазкур аҳоли пунктларининг деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган йўллари қайта қуриб, кенгайтирилмоқда.

Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг тажрибали тиббиёт ходимлари ҳамда Бухоро давлат тиббиёт институтини профессор-ўқитувчиларидан иборат 35 кишилик жамоа Хўжайлида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий қуриқдан ўтказиб, бирламчи тиббий санитария тизимида фаолият қўрсатаётган тиббиёт ходимларига амалий ёрдам

ишлаб, мамлакатимизнинг рақамли технологиялар бозорига ўз ўрнига эга бўлишга ҳисса қўшмоқчиман.

Тошкент вилояти ёшларини Ўзбекистонда туриб хорижий компанияларда ишлашини ва яхши даромадли ойлик маошига эга бўлишларини таъминлаш ҳамда вилоят IT экспортига ҳисса қўиш мақсадида шу йилнинг июнь ойида Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида AQШ транспорт логистикасини юритувчи "GL TECH DIVERSITY" компанияси билан ҳамкорликда BPO (Business Process Outsourcing) компанияси ишга туширилди. Ушбу компанияда ҳозирги кунда 20 нафар ёш фаолият юритиб келмоқда. Келажақда ушбу компанияда 50 нафардан 100 нафаргача ёшлар иш билан таъминланиши режалаштирилган.

Яна бир гап. Нурафшон шаҳридаги Янгиобод маҳалласи ҳудудида ажратилган ер майдонида IT-паркнинг Тошкент вилояти филиали биноси барпо этилмоқда. Мазкур иншоот 2022 йил якунига қадар қуриб битказилиши режалаштирилган. IT-паркда вилоятдаги резидент IT-компаниялар жамланади. Бу куч ва салоҳият бириллашди дегани.

Муктасар айтганда, Тошкент вилоятида ахборот технологиялари соҳасида салмоқли натижаларга эришилляпти. IT марказларда истиқболли кадрлар етиштириб чиқмоқда. Улар янги гоёлар, ишланмаларни тақдим этмоқда. Бу эса яқин фурсатларда соҳада янги кашфиётлар, янги лойиҳалар, дастурлар яратилишига умид уйғотади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

кўрсатди. Соғлом турмуш тарзи тарғиботини олиб боришди. Хўжайли туманини 2022-2024 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Айни пайтда муҳандислик-коммуникация тизимини яхшилаш, электр, табиий газ, тоза ичимлик сув таъминотини барқарор изга солиш, талабга мос йўл қуриш, одамларга рисоладагидек турмуш шароитларини яратиб бериш, ҳудудда дуч келинаётган муаммоларни ҳал қилишга доир қатор ташаббуслар амалиётга аляқачон киришилган.

— Бухоро вилоятидан келган 3 та бригададаги йигирмага яқин мутахассисимиз Хўжайлида ишламоқда, — дейди "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари" АЖ вакили Ўткир Ҳайдаров. — Мингал метр электр узатиш тармоғи ўтказилди, 2 та трансформатор янгисига алмаштирилди. Яна 2 та трансформатор қайта таъмирланди. Шунингдек, ҳудудда 263 та янги симёғоч ўрнатилди. Кун нури ва Жан Кўнғирот маҳаллаларида қўшимча 250 кВ қучланиш ли трансформатор пункти қуриб берилди.

Умуман, Хўжайли туманида электр узатиш тармоғини 24,3 минг метрга етказиш, 4 та маҳаллада қўшимча янги трансформатор пунктларини қуриш, 7 та трансформатор пунктини мукамал таъмирлаш ва 310 та симёғочни янгилаш каби ишлар амалга оширилади.

"Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида Сомонқўл, Жана жап, Бунёдор ва Нури йўл овулларида 7 минг метрдан зиёд ўрта ва паст босимли газ қувури мукамал таъмирланиб, 10 та газ тақсимлаш пункти ва усқунаси техник қуриқдан ўтказилди.

Қисқа айтганда, бухороликларнинг хайрли ташаббус ва кўмаги билан Хўжайлида узоқ йиллардан буён аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга ечим топиломоқда. Пировардида хўжайиликлар учун муносиб турмуш шароитлари яратиб берилмоқда.

МИНАЖАТДИН
ҚУТЛИМУРАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

МУЛОҲАЗА

ТИЛ МАЪНАВИЯТИ

ЁХУД МИЛЛИЙ ЛИСОНИЙ ИММУНИТЕТ ҲОСИЛ ҚИЛИШИМИЗ ЗАРУР!

Ёрқинжон ОДИЛОВ,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтини бўлим mudiri,
филология фанлари доктори, профессор

Инсоннинг ақлий тақомилида фаннинг, руҳий камолотида маънавиятнинг иштироки муҳим. Ақлий тақомилга эришган инсон ўзининг моддий олами бекаму қўст қилиши бор гап, бироқ кам-қўстсиз бу олам маънавиятсиз бутун бўлмас. Маънавият қўшнинг икки қанотиға менгзалгани бош сабаби ҳам шудир. Одамийликнинг чин омили саналган маънавият одам боласини шахс сифатида шакллантиради, биологик мавжудотдан инсонлик рутбасига кўтаради. Бу рутбанинг йўргаги ахлоқий ва руҳий тарбия бўлса, бешиги тил ва адабиётдир. Бугунги глобаллашган дунёда миллат тилига миллий ўзликни асрашнинг бош шартини деб қаралаётгани ҳам шундан.

Биз билган, ўқиган адабиётларда маънавият катта тушунча экани, инсоннинг бутун ахлоқий-руҳий олами ўзида жам этилиб келинади. Бу тўғри, аммо уни аниқ тасаввур қилиш ва тушуниш учун бундай талқин ярамайди, аслида маънавиятнинг инсон ахлоқий-руҳий оламининг айнан ўзи, деб тушуниш мақсадга мувофиқ. Яъни маънавият киши ахлоқий-руҳий фаолиятининг маҳсули эмас, инсоннинг айна шундай фаолияти — тутумдир. Она тили эса одам боласининг бундай оламларини яратувчи, уни тақомилга элтувчи имкондир.

Сўнгги йилларда олимлар, журналистлар, кенг жамоатчилик кўп тилга

билан “эски ҳаммом, эски тос” муаммоларга дуч келмаймизми? Негаки, тобора чуқурроқ глобаллашаётган дунёда “бақувват”, “хар нега қодир” деб билинадиган тилларда ҳам биздагидек муаммолар пайдо бўлмоқда. Бизнингча, давлат тилининг амалиётга татбиқи муаммосини бу тарзда ечиш билан бугуннинг муаммоси ҳал қилинади. Ҳечдан кўра бу ҳам яхши, бу ҳам керак, чунки болаларимизга соғлом тил қолдиришимиз лозим. Шу билан бирга, болаларимиз ҳам ажодлар тилини омон сақлаши ҳоиз-ку?! Тилимизнинг эллик-юз йиллар нарисини ҳам унутушга ҳаққимиз йўқ.

“

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ВА МАВКЕИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАВРИДА ТЕРАН АНГЛАНДИ. ШУ МАЪНОДА, ЎЗБЕК ТИЛИНИ 2020-2030 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТИЛ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИДА 2020-2021 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ БОШҚА ТИЛДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ГУРУҲЛАРИДА ДАВЛАТ ТИЛИ САБОҚЛАРИ БЕРИБ КЕЛИНМОҚДА.

олган мавзулардан бири — давлат тили ва унинг амалиётга татбиқи муаммоси. Бу борада телевидение, радио ҳамда матбуотда кўп ва ҳўб чиқишлар қилинди ва ҳозир ҳам давом этмоқда, бироқ фойдали иш коэффициентини биз кутгандек бўлгани йўқ. Хўш, қандай тақлифлар илгари сурилган, нималар тавсия қилинган? Энг аввало, давлат тилининг амалиётга татбиқи бўйича ишларни жонлантириш керак. Тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни лозим даражада ўзгартириш, давлат тили татбиқида тил мутасаддилари жидду жаҳд қилиши, иродали бўлиши зарур. ОАВДА тарғибот тадбирларини кучайтириш билан бирга, муаммоларни очик айтиш керак. Мазкур тақлифу тавсияларни биз ҳам қадрлаймиз, чунки улар ўз она тилини муқаддас билган ёниқ қалбдан чиққани аниқ. Шунинг учун бу тарз тавсияларнинг амалиётга татбиқи ўзбек тили ривожига да давлат тилининг тулақонли амал қилишида муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Фақат “фақат” деган иштибоҳ бор. Хўш, зикр этилган чораларни қўриш, зикр этилгандек иш тутиш билан давлат тилининг тағ замини томи маънода мустаҳкамланадими? Вақт ўтиши

Аслини олганда, ўзбек тилининг давлат тили сифатида амалиётга татбиқи, кундалик ҳаётимиздаги ўрни борасидаги муаммонинг асосий сабабини тилимизнинг ўзидан излашимиз — нодуруст юмуш. Аксинча, муаммонинг туб илдизини шу тилни қўллайдиган эгасидан,

ўзбек тилини ишлатаётган одамнинг лисоний тарбияси қандай кечаётганидан қидирганимиз — маъқул иш. Негаки, ҳар қандай тил ўз эгаси билан бирга яшайди, соҳиби ундан ўзи хоҳлагандек фойдаланади, унга ўзи хоҳлагандек муносабатда бўлади. Тилни бу тарз қўлаш, тилга бу тарз муносабатнинг биз ўйлагандек, биз кутгандек бўлиши тил соҳибининг маънавиятига, лисоний тутумига боғлиқ. Она тилини ич-ичидан севиш, уни ҳар хил қўтуқлардан қўриш, қонунан ҳимояланган расмий тилгина эмас, давлат рамзи, давлатчилик шартини сифатида қабул қила олиш учун эса кишига тил маънавияти деган малака зарур. Афсуски, узок вақтлардан бери ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини оширишда тил маънавияти ва тил эгаси тушунчаларига бақамти қараганимиз, ўзбек тили соҳибларида шундай заҳиятнинг шакллантиришга диққат қилолганимиз йўқки, бу худди ерга ишлов бермай мўл ҳосил қуттишдай гап.

Тил маънавияти тил эгасини лисоний тарбиялашдан бошланади ва бунда куйидагилар муҳим.

Маънавиятнинг бош устунини бўлган тарбия оиладан бошланади, тил маънавияти ҳам оилада куртак отиб, гулга киради, мева беради, таълим-тарбиянинг кейинги бўғинлари уни тақомилга тортади. Шу жиҳатдан, аввало, оилада

тилга муносабатни тўғри йўлга қўйиб олиш керак. Ота-онанинг ўзи фарзандига тўғри тил тарбияси борасида ибрат бўлиши зарур, чунки “қўш уясида қўрганини қилади”. Оилада тил тарбияси нотўғри йўлга қўйилишининг типик намунаси бу — лисоний муҳитнинг ғайриўзбекчилиги. Оила бошларининг ғарбча тутуми, ота-онанинг курама нутқи, муомалада ёт тилни афзал қўриши фарзандни ҳам шундай тутумни маҳкам тутишга, шундай лаҳжада чул-

самарадорлиги таълим стандартларида белгиланганидек эмас (албатта, биз сидиргасига шундай демоқчимасмиз!). Маъриди келди деб дарсликларни янгилайверишдан тийилиб, синфхонада дарсларнинг сифатини ошириш пайида бўлиш керак. Қолаверса, таълим муассасаларида она тили ўқитувчиларининг ўзаро дарс таҳлилларига киришини жонлантириш лозим. Бир ўқитувчининг бошқа ҳамкасби дарсини кузатиши, ютуқ ва камчиликларини таҳ-

“

КОНЦЕПЦИЯДА 2025 ЙИЛГА ҚАДАР ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎЗБЕК ТИЛЛИ ГУРУҲЛАР ҚАМРОВИНИ 72 ФОИЗГА, 2030 ЙИЛГАЧА ЭСА 80 ФОИЗГА, 2030 ЙИЛГА ҚАДАР УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ ФАНИНИ ҲАФТАСИГА 84 СОАТДАН 110 СОАТГАЧА ЕТКАЗИШ ЛОЗИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНГАН. БУ ЯХШИ, АММО УШБУ ДАРСЛАР СИФАТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ? АНА ШУ НАРСА — МУАММО. ҲАТТО 2021-2022 ЎҚУВ ЙИЛИДАН АЙРИМ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ДАВЛАТ ТИЛИ ТАЪЛИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ДАРС СОАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ БОШЛАНГАН ТИЛ МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИШЛАРИНИ СЕКИНЛАШТИРИШИ АНИҚ.

дирашга ўргатади. Бундай муҳитда ўсган бола оламини ўта миллий андозада эмас, ўта ғарбча қолипда қўради. Энг ачинарлиси, фарзанд ўз тутумларининг ғайримиллийлигини мутлақо идрок этмай қўяди, олам ва одама миллий нигоҳ йўқолади. Бундан таълим масканининг машаққати ортади, холос. Агар ота-она фарзандига ўзбекча тутум, ўзбекча муомала намунасини кўрсат билса, болада бундай кўникмалар шаклланади.

Донишманд шоир Фурқат ўз шеърларидан бирда бежиз “Менинг мактаб аро булуд муродим, Хатимдек қикса имлою саводим”, демаган эди. Мактаб таълими, хусусан, она тили дарслари тил маънавиятини камол топтириши “ҳаққаст рост”. Она тили дарслари боланинг оилада шаклланган тил сезгиларини, миллий тутумларини тарбиялайди, ўз тилига ақл қўзи билан қарашни ўргатади. Бунга мактабларда тил дарси сифатини ошириш билангина эришилади. Афсуски, бугун мактаб таълимида она тили дарси сифати ва

лил қилиши муаллимнинг дарсга пухта тайёрланишига, сидқидилдан дарс ўтишига табиий мажбурият уйғотади. Агар биз тилимизни йиғирма йилдан кейин қандай қўришни истасак, бугундан ўша мўлжалга мос она тили таълимини йўлга қўйишимиз ҳоиз. Борди-ю шундай қилинмаса, давлат томонидан қўрилган чоралар ора йўлда қолиб кетаверади. Ахир кейинги уч-тўрт йилнинг бадалида ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, уни ривожлантириш, тил сиёсатини тақомиллаштириш борасида ундан ортиқ қонунчилик ҳужжати қабул қилингани тил муаммосининг янада долзарблашаётганини кўрсатади.

Тил маънавиятини шакллантиришда китобнинг, адабиётнинг таъсири фавқуллода муҳим. Президентимиз давлат раҳбари сифатида иш бошлагандаёқ болаларни китобга ошно қилиш, халқимизга ҳос китобхонлик маданиятини тиклаш йўлида ташаббус кўрсатиши тил маънавиятини камол топтиришдек юмушда ҳам қўл келади. Давлатимиз

раҳбарининг: “Мен шунга аминман — китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ” тарзида жаранлаган панди — тил маънавиятини адабиёт орқали шакллантиришда зўр дастак. Негаки, адабиёт кишининг руҳий оламини бойитади, одамни оламга миллий нигоҳ билан қарашга ўргатади, сўз бойлигини оширади. Она тили сезгиси, тил тарбияси, лисоний малакаю кўникмаларни миллий адабиёт тарбиялайди. Инсон айнан миллий адабиёт орқали борлиқни ўзбекча қўришни, ўзбекча тушунишни ўрганади. Турли ҳаётини-ноҳаётини тушунчаларнинг ўзбек тилида қандай ифодаланиши билан танишадди. Хуллас, миллий адабиётнинг тил маънавиятини шакллантириши — бир томон, кишини ватанпарвар қилиб тарбиялаши — яна бир томон. Буюқлар айтганидек, биз болаларга китоб ўқишни ўргатиб қўйсак бўлди, қолган ҳаммасини, ҳатто тил маънавиятини ҳам китобнинг ўзи ўргатади.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеи олий таълим даврида теран анланади. Шу маънода, Ўзбек тилини 2020-2030 йилларда ривожлантириш ва тил сиёсатини тақомиллаштириш концепциясида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларининг таълим бошқа тилда олиб бориладиган гуруҳларида давлат тили сабоқлари бериб келинмоқда. Мазкур концепцияда 2025 йилга қадар давлат мактабгача таълим тизимида ўзбек тилли гуруҳлар қамровини 72 фоизга, 2030 йилгача эса 80 фоизга, 2030 йилга қадар умумтаълим мактабларида ўзбек тили фанини ҳафтасига 84 соатдан 110 соатгача етказиш лозимлиги таъкидланган. Бу яхши, аммо ушбу дарслар сифати талаб даражасидами? Ана шу нарсаси — муаммо. Ҳатто 2021-2022 ўқув йилидан айрим олий ўқув юртларида давлат тили таълими билан боғлиқ дарс соатларини қисқартириш бошлангани тил маънавиятини шакллантириш ишларини секинлаштириши аниқ. Шу боис, таълимнинг бу бўғини ҳам она тили ва давлат тили бўйича дарсларни бўшаштирмаслик, лингвистик билимларни лисоний маданиятга, лисоний маънавиятга айлантиришимиз керак.

Бугун дунёнинг аксар давлатларида тил билан боғлиқ муаммолар долзарбланган. Катта давлатларнинг катта тиллари ҳаёт суръатларининг ғоят тезлашуви билан бошқа халқлар тилларига баъзан объектив, баъзан субъектив омиллар ўлароқ таъсирини ўтказмоқда. Асосан, миллий тиллар лўғати таркибиде чет сўзлар кўпайиб кетиши фониде кузатиладиган бундай таъсирлар борабора миллий тилларнинг ички имкониятларидан фойдаланиш механизмларини ишдан чиқариши мумкин. Янги пайдо бўлган тушунча учун тайёр лексемани ўзлаштириш зинҳор тенденцияга айланмаслиги лозим. Бугун олий таълим талабалари нутқини кўя туройлик, ҳатто марказий нашрларимизда ҳам “хеш-тег”, “креатив”, “челленж”, “пост”, “фейк”, “платформа”, “тьютор”, “вакцинация”, “компетенция”, “тренинг”, “мессенжер”, “контент” каби олималар сони ортмоқда. Табиийки, тилининг ўзи бундай ташқи таъсирларга қарши турулмайди, чунки ҳеч бир тилининг фитратига шундай хусусият йўқ. Тилни чет сўзлар босқинидан миллий лисоний иммунитетли эгаси қўрайди. Комилликнинг бош шартларидан бўлган тил маънавияти инсонни ана шундай иммунитетга соҳиб қилади.

Хуллас, тил маънавияти давлат тили бўйича мавжуд муаммоларни бартараф қилишда ҳам, ўзбек тилининг чорак ёки ярим асрдан кейинги тақдирини тайин этишда ҳам асосий дастақдир. Бундай маънавиятни шакллантиришга тил илми ҳам, тил таълими ҳам бирдай масъул. Фан эса тил амалиётига елка тутиши лозим.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфдик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-864.
81651 нускада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғаффорзов
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎЗА якуни — 23:00 Топширилди — 02:35